

ЖЕННИ ЭРПЕНБЕК

МАКОН ИСТАБ

РОМАН

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

Тақризчи
Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

ISBN_____

© Жени Эренбек, «Макон истаб». «Янги аср авлоди», 2010 йил

ВАҚТНИ ЖИЛОВЛАГАН СЎЗ

(Сўз боши)

Ушбу роман 2008 йили Германияда (Ayhborn Berlin) нашр этилганидан сўнг дастлаб немис, кўп ўтмай жаҳон китобхонлари орасида шуҳрат топди. Женни Эрпенбекнинг бир оз оддинроқ ёзилган "Чолбола ҳақида ҳикоя", "Луғат" номли романлари ҳам дунёнинг ўн тўрт тилига таржима этилиб, китобхонлар орасида қўлма-қўл бўлиб кетган эди. Ҳафиза Қўчқорова дадиллик билан оригинал, яъни немис тилидан таржима қилишга қўл урган "Макон истаб" романи Женни Эрпенбек ижоди билан ўзбек китобхонларини таништириш йўлидаги илк уринишдир.

Роман композицияси, сюжети, образлари, воқеалар кечадиган макон ва замоннинг поэтик талқини ўзбек китобхонлари учун бир қадар нотаниш, асар улар кўниккан романларга бир оз ўхшамайди. Аммо шунга қарамасдан, асар тўлалигича роман жанри талабларига жавоб беради. Чунки роман воқеалари, зоҳиран сезилмаса ҳам, ички мантиқий структураси жиҳатидан кўплаб тақдир чизиқларини, муайян макон-замонда умумлаштириб тасвирлайди. Илгари Германия Демократик Республикаси деб номланган ҳудудда XX асрнинг 30-йилларидан кейинги ўттиз-қирқ йил ичида кечган психологик вазият романда ўзига хос тарзда ифода этилади. Асарда ассоциативлик предикетивлик билан синтезлашиб кетган. Романдаги Боғбон, архитектор, ёзувчи аёл, бола, қиз образлари бир жиҳатдан аниқ макон ва замонда тақдир ҳукми билан ҳаракатланаётган шахсларни билдирса, бошқа жиҳатдан, менинг тахминимча, рамзий маъно ташийдики, бундай хусусият романнинг миллийлик чегараларини ёриб ўтиб, умумбашарий мақомга кўтарила олганидан далолат беради. Романни ўқиган китобхонни ушлаб турадиган, яна ва яна ўқишга жалб этадиган нарса, ўйлашимча, асар фабула-

сидаги тизимлилик, сюжет қурилишидаги тугун, воқеалар ри-
вожи, кулминация ва ечим сингари бадиий компонентлар эмас,
балки тасвирда сезилар-сезилмас ҳаракатланаётган вақт оқими-
дир. Бир сўз билан айтганда, ёзувчи ўз романини ҳали жаҳон
адабиётида кўрилмаган хронотоп негизига қуришга уринади ва
бу вазифани тўла уддалашга эришади.

Роман таркибида келадиган ҳар бир сарлавҳа, ҳар бир абзац,
ҳаттоки ҳар бир сўз аниқ бадиий функцияни бажаради. Ёзувчи
имкон қадар воқеа-ҳодисалар ва қаҳрамонлар ҳаракатини та-
биий оқимида беришга уринади. Асарнинг бирор эпизодидида му-
аллифнинг аралашуви сезилмайди. Бу эса, ўз навбатида, эпик
асар, хусусан роман жанри канонларига риоя қилинганидан
далолат беради. Романнинг муайян ўринларида умумий воқе-
ликка сира алоқаси йўқдек туюладиган мустақил парчалар ке-
лади. Аммо бу парчалар ҳам юзаки қарагандагина мустақил ту-
юлади. Аслида эса бундай парчаларнинг роман бадиий концеп-
циясини талқин этишдаги аҳамияти беқиёс. Дейлик:

- ...*Арғимчоқ учамизми?*
- *Кемани ўзинг бемалол бошқара оласанми?*
- ...
- *Апроф туман, эшкагим сувга тушиб кетди.*
- *Менга бўса бер...*

тарзида келадиган диологик парчада, ички боғлиқлик сезил-
маса-да, роман умумструктурасини ташкил этувчи улкан воқе-
ликни ифодалаш вазифаси юкланган.

Хуллас, роман катта адабиёт мезонлари билан тадқиқ этилса,
унга хос кўплаб сир-синоатлар очилади.

Роман таржимаси ҳақида шуни айтиш мумкинки, аввало,
бундай мураккаб асарни оригиналдан дадиллик билан ўзбек
тилига таржима қилишга жазм этишнинг ўзиёқ таржимоннинг
катта ютуғи ҳисобланади. Иккинчидан, немис тили билан ўзбек
тили оилавий таркибланиши жиҳатидан бир қадар йироқ, бу
эса таржима жараёнида катта қийинчилик туғдиради. Лекин
Ҳ.Қўчқорова бундай ноқулайликлардан қўрқмасдан, имкони
даражасида асар таржимасини амалга оширган. Учинчидан,
Европа, хусусан, немис маданияти ва маънавий-руҳий дунёси,
тафаккур тарзи шарқ халқлариникидан маълум маънода фарқ

қилади. Таржимон мана шу икки қутб аро умумийлик топиб уларни уйғунлаштира олсагина муваффақиятга эришади. Менимча, Ҳ. Қўчқорова бу муаммони ҳам ижобий ҳал этишга лойиқ иқтидорга эга. Таржиманинг асосий шартларидан яна бири асар муаллифи билан таржимон аро конгениаллик (руҳдошлик)нинг бўлишидир. Таржимани ўқиш жараёнида немис ёзувчи аёли Женни Эрпенбек ва ўзбек қизи Ҳ.Қўчқороваларнинг ботинан яқин эканлари сезилади.

Барча мураккаб ишларни амалга оширишда бўлгани каби Ҳ.Қўчқорова таржимасида ҳам баъзи жузъий камчиликлар кўзга ташланади. Бундай жиҳатлар жумла тузиш, муайян сўзларни қўллашда муқобилларидан фойдаланиш, роман ритмини ўз меъёрида ушлаб туриш борасида кўзга ташланади. Баъзан немис тилининг ўзига хос мураккаб структурасини ўзбекчага айлантириш машаққати боис, жумла ифодаси ўзбекча жарангламайди. Баъзида эса ўқувчида "ушбу сўз ўрнида мана буниси қўлланса яхши бўларди", деган иштибоҳ туғилади. Менимча, роман сарлавҳаси ҳам, немис тилида қандай ифода этилганидан қатъи назар, асарнинг ички мазмунига мос, шу билан бирга, ўзбекча жаранг касб этса, нур устига аъло нур бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур роман таржимаси ўзбек ўқувчилари томонидан яхши кутиб олиншига аминман. Бу асар билан танишиш, бизни жаҳон адабиётига доир янги бир ижод намунасидан воқиф этади. Замонавий Европа адабиёти ҳақидаги тасавурларимизни бойитади. Ҳудуд ва тил жиҳатдан йироқ бўлса ҳам, турмуш тарзи, анъаналари, дунёқараши анчайин яқин бўлган икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Ушбу роман нашр этилса, ўзбек китобхонлари учун муносиб совға бўлади, деб ўйлайман.

*Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди, доцент
Тошкент, 2010 йил, 20 февраль*

ПРОЛОГ

Ўша вақтларда уйларнинг юқори қисмларинигина қия тепаликлардек кўриш мумкин бўлган сарҳадсиз тоғларгача бўлган маконда қарийб йигирма тўрт минг йиллик улкан музликлар ястаниб ётарди. Тажовузкор музликлар ўз ҳудудини кенгайтириши ва унинг ҳаддан зиёд таъсири сабаб қандоғоч, эман ва қарағайларнинг идизлари дарз кетиб, заррачаларга бўлиниб кетди. Қояли чўққиларга ёриқлар тушди, нурадилар. Арслон, қоплон ва сўйлоқтиш йиртқичлар емиш излаб жанубга энишди. Улкан қояларни маҳв этган музликлар бу ерни тарк этишни истамас эдилар. Чўққилар узра сукунат. Музлик ўз ишини — ором олишни бошлади. Минг йиллар давомида унинг улкан, совуқ вужуди бироз миқдорда кенгайди. Музлик секин-аста ўзи макон топмиш қояларни емириб борарди. Қуёшли асрлар, ўн йилликлар, йиллар мобайнида муз қояларининг юқори қисмигина озроқ эриб, оғир, улкан қатлам оралаб қум аралаш сизиб тушади. Сув лойқаланиб, тоғлар оша сизар экан, юксак музлик билинар-билинемас пасайгандек бўлади. Аёзли кунларда эса музлик янада катталашиб, оғирлашиб бораверади. Қуёшли йилларда эса муз салтанати емирилгандек бўлади-ю, бироқ аёзли йиллар, ўн йилликлар, асрлар мобайнида семирмоқ учун яна куч йиғади.

Ўн саккиз минг йил муқаддам она заминнинг жанубий қисми исигаچ, муз қояларининг туртиб чиққан жойларигина эрий бошлади. Оби ҳаёт муз ёриқлари орасидан сизиб чиқди. Бу ерлар Муз ороли, якка музлик кейинчалик эса ўлик музлик деб аталди.

Ўзи қачонлардир тегишли бўлган танадан Муз ажралиб чиқиб, ҳавзаларга қуйилди, улкан музлик насронийлик ёйилишидан қарийб ўн уч минг йил илгари эришни бошлади, она замин аталмиш гўшага сизиб кирди, сўнгра буғланиб кетди, ёмғир

томчиларига айланди, шу тарзда оби ҳаёт осмону замин ўртасида сарсон кезади. Тупроқ сувга тўйиниб, у ер қаърига бошқа сингмаса, ҳаёт манбаи кўк тусга кириб осмонга кўтарилади, ўзига фалақдан жой қидиради, кўзгу мисол ер устида товланади...

Сувнинг ўзи ҳали музлик салтанати ҳукмрон чоғда қоялар бағридан йўниб тушган қум энди бу ерлардан ўзига макон топиб, денгиз бўйида ястаниб ётибди, денгиз ортида тоғлар, баъзида сув ер қаърига чуқур сингиб кетганидан дастлабки ариқлар пайдо бўлди. Айни дамда денгиз бир муддат Прусс тепалиги ўртасида осмонга ўзини кўз-кўз қилгандек қайтадан ўсиб чиққан эман, қандоғоч ва қарағайлар орасида текис ётгандек, ордан анча йиллар ўтиб инсоният яралгач, улар томонидан бу денгиз Пруссия денгизи деб юритилиши мумкин эди, бироқ кунлардан бир кун денгиз ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди, унинг ўрнида эса бўшлиқ ҳосил бўлди.

Ҳатто Саҳрои Кабирда ҳам қачонлардир сув бўлган. Янги асрдагина бу ерларда ҳам фан тили билан айтганда дезертификация, яъни қурғоқчилик бошланди.

БОҒБОН

Унинг қаердан келганини қишлоқда ҳеч ким билмас эди. Балки бу ерда бир умр бўлгандир.

У деҳқонлар олдига мевали дарахтларни ўз қўллари билан пайванд қилиб бериш учун боради. Ўта моҳирлик билан ёввойи дарахтларни мевали дарахт навларига уларди, йўғон шохларни кесиб, уларга керакли қоришма, елим, асалари муми, нинабаргли дарахтлар танасидан олинадиган қуюқ шираларни суртади-да, кесилган жойга серҳосил дарахт новдасини пайванд қилади. Қарабсизки, йўқ жойдан мева битади. Қишлоқдаги ҳамма унинг бу хислатини яхши билар, унинг қўли теккан дарахт доимо яхши ҳосил берарди.

Ёзда эса уни деҳқонлар ўроқчилик қилишга ҳамда ғарамларни жойлаш учун олиб кетишади. Денгиз бўйидаги сув босган кичик ерларни қуритиш масаласида ҳам ундан маслаҳат сўрашади. У яшил қарағайнинг энг баланд шохларини кесиб, айнан ўша ерга келадиган сув йўналишини тўғри аниқлаб, зовур қазийди ва кесилган шохларни унга ташлайди. Шу тарзда сув йўли беркитилади. У қишлоқдагиларникига қўлда ясалган омоч ва бороналарни тузатишга ҳам борар эди.

Қишда улар билан бирга ўтин ёради, дарахт кесади.

Ўзининг эса ҳеч вақоסי йўқ эди: на ери, на ўрмондан унга тегишли бўлган майдони. Ўрмон четидаги ташландиқ хужрада ёлғиз яшайди, анчадан буён шу ердалиги боис уни қишлоқдаги ҳар бир одам танийди. Каттаю кичик БОҒБОН деб чақиради, худди унинг исми йўқдек.

ОҚСОҚОЛ ВА УНИНГ ТҮРТ ҚИЗИ

Қизлардан бири турмушга чиқса, келинлик либосини ўзи тика олмайди. Ҳатто келиннинг уйида ҳам келин кўйлак тикилиши ман этилади. Либос бегона жойда тикилиши, бу жараёнда бирорта ҳам игна синмаслиги лозим. Танланган матони қўлда йиртиш мумкин эмас, фақатгина қайчида эҳтиёткорлик билан қийиб олинади. Бирор хатоликка йўл қўйилса, мато қайтиб ишлатилмайди. Яна худди шундайи сотиб олиниб, иш қайтадан бошланади.

Тўй базмида кийиладиган пойабзал куёв тарафдан ҳада этилиши мумкин эмас. У келиннинг йиллар давомида йиғиб юрган тангаларига (қоғоз пулга эмас) сотиб олинади. Тўй ёзги чилла пайтида ҳам, апрел ойининг ёмғирли кунларида ҳам ва яна Пасха байрамидан олдинги ҳаяжонли ҳафтада ҳам бўлиши мумкин эмас.

Никоҳ маросими вақтида осмондаги ой тўлин, ҳеч бўлмаганда энди тўлишаётган бўлмоғи лозим.

Тўй учун энг яхши фурсат май ойдир. Тантана ўтказиладиган кундан бир неча ҳафта олдин тўй кунини маълум қилиш учун эълонлар буюртирилади ҳамда улар витриналарга осиб қўйилади. Келиннинг дугоналари гулчамбарлар тўқишади ва уларни эълон осиладиган витриналарга тақиб чиқадилар. Агар қиз ўзи туғилиб ўсган қишлоққа келин бўлса, эълон осиладиган витрина учта бўлса етарли.

Тўйдан бир ҳафта олдин жонлиқ сўйилади, пишириқлар тайёрлашади. Бироқ келин ҳар қандай ҳолатда ҳам печдаги ловулаб ёнаётган оловни кўриши мумкин эмас.

Никоҳдан бир кун олдин эса қишлоқ болалари келинникига келиб тўполон қилишади, дарвоза олдида стакандан бўлак барча идишларни синдиришади ва бунинг учун келиннинг онаси уларни турли ширинликлар билан сийлайди.

Қиз базмига ташриф буюрганлар совға-салом олиб келишади, шеърлар айтишади, тансиқ таомлардан тановул қилишади.

¹Бундай кун немисларда Хундстаге дейилади, 24 июлдан 23 августгача давом этади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1823> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1823> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1823>